

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 5 майдаги мажлисида ҳукуматнинг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган концепциясини, шу даврга мўлжалланган асосий йўналишларни ҳамда 1991—1995 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик планини тузиш ва қўриб чиқиш тартиби, босқичлари тўғрисидаги таклифларини маъқуллади. Муҳокама давомида экономикани узоқ муддатли ривожлантириш муаммоларини принципал муҳим сиёсий аҳамиятга молик эканлиги

таъкидланди. Шу масалаларга оид энг муҳим ҳужжатлар туб иқтисодий ислохот принциплари асосида, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонуннинг қондаларига қатъий мувофиқ равишда ишлаб чиқиши, кенг демократик асосда, жамиятнинг зўр ижодий имкониятларидан фойдаланиб ўтказилиши керак, бу эса иқтисодий ўсиш резервларини тўлиқроқ намоён этиш, фан-техника ва социал вазибаларни белгилаш имконини беради.

Мажлисида СССР Министрлар Советининг СССР ва

бошқа социалистик мамлакатлар келгуси беш йилликдаги давлат планларини, айрим муаммолар юзасидан эса 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган планларини мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифи қўриб чиқилди.

Мамлакатда амалга ошириладиган ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуришга ва давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга мувофиқ планларни мувофиқлаштириш соҳасидаги ишга бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар, биричи галда мамлакат машинасозлик, хи-

мия саноати ва бошқа қайта ишлаш тармоқларининг бирлашмалари, корхона ва ташкилотлари жуда актив қўшилишлари лозимлиги қайд этилди. Халқаро социалистик меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришда туб силжиларни амалга оширишнинг чуқур ички тармоқ кооперацияси ва ихтисослашуви, интеграцион ўзаро алоқаларнинг янги формаларидан кенг фойдаланиш ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиёти комплекс программасини амалга ошириш асосида Ўзаро товар оборотининг структурасини такомиллаштиришнинг жуда катта аҳамияти таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аҳolini озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш тўғриси-

даги масалани қўриб чиқди. Ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси соҳасидаги ишни кучайтириш, бир қанча тармоқларда, ўлка ва республикаларда меҳнатни ташкил этиш ҳамда рағбатлантиришнинг янги формаларидан фойдаланиш натижасида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга эришилди, деб таъкидланди. Шу билан бирга, мамлакатнинг қўпгина районларида бу иш ҳали қониқарли олиб борилмапти. Совет ва ҳўжалик органлари бепарволик қилмоқдалар, бозорда озиқ-овқат маҳсулотларини қўпайтириш масалаларини ҳал этишда тайёргар айёрлик позициясида турбидилар, жойларда зарур чора-тадбирларни қўриш ўрнига озиқ-овқат

(Давоми 2-бетда).

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

1988 йил 7 май • шанба • Баҳоси 3 тийин.

«Байрамингиз билан аяжон»!



БУГҲН — РАДИО КУНИ, БАРЧА АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

— Қўнларнинг Биринчи телевидение дикторлиги учун конкурс эълон қилинганини эшитиб, Дилором ҳам ўз омадини синаб кўрмоқчи бўлганди. Ушанда қарангки, бу ижодий баҳсда бахт унга қулиб бонди.

— Эйранга биринчи марта чиққан кунимани — 1978 йил 14 июнини сира унутолмайман, — дейди Дилором. — Ушанда жуда ҳаяжонланган эдим. Секундаста ўргана бошладим, менга ёрдам беришди. Тажрибали дикторларнинг хизмати манагача бўлди. Айниқса, Уктама ака Жобировдан миннатдорман. У камера олдида ўзимни қандай тутишим кераклигини, текстни раво ва инфодала ўқиш, талаффуз санъатини ҳунт билан ўргатди.

Мана шунга ҳам ўн йил бўлди. Эътиборда Дилором Ўзбекистон телевидениесининг редакциялари томонидан тайёрланган хилма-хил кўрсатувлар, жумладан, «Мультипаторам», «Оналар мактаби», «Тошкент ва тошкентликлар», «Дилдан қўлаб, ўйна қўнаб» каби туркум кўрсатувларни олиб бормоқда. Телетомошабинлар Насиба Қамбаров, Даврон Зуннунов, Насиба Мақсудова, Раъно Жўраева, Раҳматулла Мирзоев, Фарход Бобонозов каби унинг ҳамкасбларини эҳси танишди. Улар ҳар бир хонадонга қадрдон бўлиб қолишган. Дикторларимиз ўз малакалари, маҳоратлари билан кўпчилик назарига тушишди, эътибор топишди. Дилором ҳам ана шулар сафидан муносиб ўрин олган.

Ушбу суратни Дилоромнинг оила давомида олди. Унинг икки қизи — Севера ва Элнора бийрон тиллари билан «Байрамингиз муборак аяжон!» дейишмоқда. Биз ҳам жажжолларнинг ана шу қўтловига чин дилдан қўшилишимиз.

З. ЖўРАЕВА.
А. ЗУФАРОВ фотоси.

Матбуот — қайта қуриш қуроли

Эрталаб соат ўн бўлмасдан, дўкончаларнинг даярли ҳаммасида бугунги газетани харид қилиш амри-маҳол бўлиб қолади. Республика меҳнаткашларининг, барча аҳолисининг матбуот сўзига, радиоэшитиришлари ва телевидение кўрсатувларига қизиқиши кейинги вақтда сезиларли даражада ошди. Одамлар улардан бугун ҳаммага зарур бўлган ҳақиқат сўзини излаб топишмоқдалар, ўтири, етилган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида рўй-роҳат юритмоқдалар. Оммавий ахборот воситаларини жамия-

тимиза барча соҳаларида авж олиб кетган қайта қуришнинг ҳақли равишда таъсирчан қуроли, деб атамоқдалар.

5 май кунги газеталар, телевидение, радиоэшитириш редакцияларининг ходимлари ва уларнинг штатсиз ёрдамчи активлари, полиграфиячилар, алоқа ходимлари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари Алишер Навоий номли давлат катта театрига келдилар. Бу ерда Матбуот кўнига ва Радио кўнига, барча алоқа тармоқлари ходимларининг байрамига бағиш-

ланган тантанали йиғилиш бўлди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин доклад қилди.

Йиғилишда оммавий ахборот воситалари КПСС XXVII съезди қарорларини пропаганда қилиш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бораётганликлари, улар ижтимоий турмушимизнинг барча томонларини революцион тарзда янгилашда, ошкореликни, демократия ва социал адолатни қарор топтиришда фаол қатнашаётганликлари

қайд этиб ўтилди. Матбуот, телевидение ва радио ходимлари меҳнаткашларни мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш борисида партия белгиланган программани изчиллик билан амалга оширишга, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олишга сафарбар этаётганликлари тўғрисида гапирилди.

Матбуот ходимлари газеталар билан алоқаларини яна ҳам мустаҳкамлашлари, уларга барча қизиқтирувчи масалалар хусусида ўз нуқтаи назарини билдириш имкониятини беришлари керак, деб таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари. Газета ва журналларнинг саҳифалари мақолаларда ўртага

қўйилган муаммоларнинг ўтқирлиги ва гоят муҳимлиги билангина эмас, балки полиграфия жиҳатидан беэҳсофати билан, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшитиришлари эса ёрқинлиги, раволиги ва оригиналлиги билан ҳам ўзига жалб этиши керак. Бу кўп жиҳатдан анжидонан ишлашга, полиграфиячиларнинг ижодий изланишига, алоқанинг бутун инфраструктураси ривожлантирилишига боғлиқдир.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Х. Холмухамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Бош 1-бетда).

муаммосини марказда ҳал этишга интилоқлар. СССР Давлат агропромышленности комитети, СССР дон маҳсулотлари, балиқ хўжалиги, савдо министрилари, Центросоюз, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари бу масалаларни ҳал этишдаги ишни қайта қуришда ҳаддан ташқари сустнашлик қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мамлакатнинг айрим регионларида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдаги ишларнинг вужудга келган аҳволини йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблаб, партия, совет, хўжалик органлари ҳар бир район, шаҳар, область, ўлка, республиканинг имкониятларини атрофлича кўриб чиқишлари, аҳолини ҳамма турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирларини белгилаб, амалга оширишлари зарур, деб топди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда кўпайтириш юзасидан партия қўйган ва-

зифаларни ҳал этишга онгли равишда ва зўр масъулият билан киришадиган меҳнат коллективларининг, ҳар бир меҳнатчининг ташаббусини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларга амалий равишда мадад кўрсатиш, хўжалик юртишнинг ижара усулларига, коллектив ва оила пудратига амалда кенг йўл очиб, бу усуллари ҳамма жойда қўлланишда барча тўсиқлар ва нотўғри фикрларга барҳам бериш зарур.

Мажлисида меҳнат коллективларининг, саноат тармоқлари, республикалар, ўлкалар ва областларнинг ҳалқ истеъмол қиладиган ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иқтисодий манфаатдорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Министрлар ва идораларга, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг иқтисодий воситаларидан янада самаралироқ фойдаланишга, зарур моддий техника базасини ривожлантиришга, бошқарув системасини такомиллаштиришга

оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Совет Иттифоқида революцион ҳаракатга, фан ва маданиятни ривожлантиришга, Совет—Польша дўстлигини мустақамлашга катта ҳисса қўшган поляк арбобларининг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Польша Россия ва Совет Иттифоқи илгор кишиларининг хотирасини абадийлаштириш билан бирга бу тадбирлар идеология, фан ва маданият соҳасида бир йил муқаддам қабул этилган Совет—Польша ҳамкорлиги тўғрисидаги декларация асосида иккала мамлакатнинг ўзаро баҳамжihat қараратлари кенг миқёсини кўрсатувчи янги қадам бўлади.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Уругвай Коммунист партияси Марказий Комитети бош секретари Р. Арименди билан суҳбатни якунларини маъқулади. Лотин Америкасидаги ва дунёдаги ҳозирги аҳвол, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ҳолати хусусида КПСС билан Уругвай Компартиясининг фикрлари бирлиги мамуният билан қайд этилди.

Иккала партия дунёда рўй берган ҳуқуқ Узаро ишлар муносабати билан коммунистлар олдига турган ва зифаларни назарий жиҳатдан идрок этиб, амалга оширишга кўмаклашишга тайёр эканлиги тасдиқланди. КПСС билан Уругвай Компартияси анъанавий қардошлик муносабатларини бундан буён ҳам ривожлантиришга астойдил интилавирлишлари таъкидланди.

Мажлисида М. С. Горбачевнинг расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида келган Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КХДР маъмурий кенгаши бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Ким Ён Нам билан учрашуви ва Э. А. Шеварднаденнинг у билан ўтказган музокаралари якунлари маъқуланди. Ким Ён Нам М. С. Горбачевга КМП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президентини Ким Ир Сеннинг шахсий мактубини топширди. КПСС билан Корея Меҳнат партиясининг, СССР билан КХДРнинг икки томонлама муносабат ва халқаро аҳвол асосий соҳаларидаги бирлиги, ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, Корея ярим оролида, бутун Осиё-Тинч океан регионини тинчлик ва хавфсизлигини мустақамлаш манфаатларини қўллаб, ўзаро ташқи сиёсий алоқаларни кенгайтиришга

ўзаро интилавирликлари мамуният билан қайд этилди.

В. И. Воронниковнинг Сербия ва Черногория социалистик республикалари ҳукуматлари таклифига биноан Югославияга қилган визити натижалари маъқуланди. СССР ва ЮСФРнинг республикалари, ўлкалари ва шаҳарлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик — Совет-Югославия муносабатлари бутун комплексининг муҳим бўлини эканлиги, М. С. Горбачевнинг яқинда Югославияга қилган визити бу муносабатларни янада ривожлантиришга қудратли омил бахш этганини таъкидлаб ўтилди.

Г. П. Разумовский бошчилигидаги КПСС делегациясининг Вьетнам социалистик республикасида қилган визити, ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Нгуен Ван Линь билан, Вьетнамнинг бошқа раҳбарлари билан учрашувлари ва суҳбатлари тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. КПСС билан Вьетнам Компартиясининг кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг муҳим аҳамияти таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партиянинг давлатиятнинг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилинди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлигига номзодлар

ЎРОЗГУЛИ ТАНЛАШДИ



УНИНГ таржимани ҳоли бир неча сатрда мужассамлаштириш мумкин: мактаб, далада чопиқчи, механизаторлар тайёрлаш курси, тракторчи, зено, сўнг бригада бошлиғи, Ленин бу жўнгина жумла ортда бир инсон, коммунистнинг тақдири, орузлари турлибди.

Ўрозгул Букурова ўрта мактабни тугатлагандан кейин Бўка районидаги ҳозирги «Кремль» совхозда ота-онаси касби — пахтакорлик қила бошлаганини таъкидлаб, у ўқувчилар тайидаёқ гўза ятаналашдан портдо охири чаноқни териб олгунча далада уларга кўмаклашарди. Икки йил чопиқчилик қилгач, уни хотинчиқ механизаторлар тайёрлаш курсига ўқинга юбди. Уша 1978 йилнинг кузида биринчи марта «зангори кема»ни пахтазорга олиб чиқиб, 80 тонна «оқ олтин» терди. 1984 йилда бригада бошлиғи қилиб тайинланди.

Пахтакор қизнинг меҳнатлари муносиб баҳолалиб, «Хурмат белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланган. Ёрнинг билимдон соҳиби бўлиш мақсидига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент қишлоқ хўжалик институтига таълим олмақда. Ҳозир олтинчи курс студенти.

— Совхозимиз коммунистларига Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилганда уларнинг фикри бир жойдан чиқди, — дейди «Кремль» совхоз партия комитетининг секретари Собир Имомжонов. — Ўрозгул Букурова ҳисобда турайдиган цех партия ташкилоти яқдиллик билан унинг номзодини кўрсатди.

Цех партия ташкилотиде бу масала батафсил муҳокама этилгач, Ў. Букуровани XIX партия конференцияси делегатлигига номзодликка кўрсатиш коммунистларнинг партия йиғилишида кўриб чиқилди.

— Ўрозгулни ёшлигидан билмаман, — деди йиғилишда сўзга чиққан Социалистик Меҳнат Қарамоми Мария Ковалева. — У меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан пахтакорларнинг халқини ҳурмат-эътиборини қозонган. Ёш бўлса-да турт йилдан бери бригадига раҳбарлик қилмоқда. Бирор йил йўқки, бу коллектив ер чиқиб қолган бўлса, Мана буз-тур совхозда пахта тайёрлаш пилани 86 процентда қолди кетди. Ўрозгул Букурова бошчи бригадга эса пилани 107 процент қилиб бажарди. Ўйлаётганим, у конференцияда пахтакорларнинг муносиб вакили бўлади.

Совхоз бош агрономи Ўринбой Норқўзиёв ҳам делегатликка номзод тўғрисида ҳаяжонланиб гапирди. — Мен бўлим бошқарувчилигим пайтида Ўрозгул механизаторлик қиларди. Унинг меҳнатсеварлигига кўп марта қўйил қолганман. Иш тигиз пайтларида: кеч туша бошлаганда ҳам уни даладан чиқариб бўлмас эди.

— Ҳа, Ўрозгул қиз бўлса ҳам эркакчасига ишлайди, — бош агроном фикрини давом эттирди кеска коммунист Қувшиқ Соғдиқов. — Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида бундан кейин ҳаётимизнинг жуда муҳим масалалари муҳокама этилиши шубҳасиз. Конференциянинг муваффақиятли ўтиши учун унда қайта қуришнинг ҳақиқий жонқуярлари, коммунистларнинг ишончли вакиллари

қатнашишлари керак, деган фикрдиман. Ўрозгул Букурова худди шундай ташаббускор, принципал коммунистлардан.

Ўрозгул Букурова область партия комитетининг аъзоси, Бўка район партия комитети бюросининг аъзоси сифатида район, область, республика миқёсидаги йиғинларда Қўорол массивининг мураккаб аҳволи ҳақида кўп марта кўйиб-ёйиб гапирди. Бу соҳада баъзи чоралар кўриляпти. Бироқ Ўрозгул улар етарли эмас, деб ҳисоблайди. Шу сабабдан ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш учун курашни тўхтатгани йўқ.

Қишлоқ хотин-қизларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, мактаб, бошқа қуриш, уларни замонавий қилиб жиҳозлаш муаммолари ҳам коммунистнинг ташвишига солади. СССР Халқ маорифи Давлат комитетининг раиси Г. А. Ёгдин депутатликка номзод қилиб кўрсатилганда Ўрозгул Букурова унинг ишончли вакили қилиб сайланган эди. Ўрозгул Москвага бориб, албатта, депутат билан учрашиб, районда халқ маорифининг моддий-техника базасини мустақамлаш масалаларини кўтариш ниятида.

—Энг катта орузим эса ёшларда пахтакорлик касбига ихлосли, бу касб шон-шухратини тиклашга ҳиссамни қўшишдир, — дейди Ўрозгул. — Турғунлик йилларида салбий воқеалар фақат ерларимизни шўрлатибгина қолмади. Захматқаш пахтакорларнинг машаққатли меҳнатига ҳам соя ташлади. Биз бу шўрни албатта ювишимиз, деҳқон заминининг ҳақиқий соҳиби бўлишга эришишимиз керак.

А. НОСИРОВА.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Трилоки Натх Каульни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда Совет — Ҳиндистон муносабатларининг аҳволидан ҳуқуқ мамуният изҳор қилинди, бу муносабатлар кейинги вақтларда янги сифат касб этди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришга Ўзбекистон саломатига ҳисса қўшаётганлиги қайд этиб ўтилди. Иккала республика ўртасидаги алоқалар теран тарихий илдизга эга бўлиб, улар анъанавий дўстона тус олган.

Суҳбатда халқаро аҳволга доир баъзи масалалар тилга олинди. Жумладан, Афғонистон теварағидаги вазиятни бартараф этиш юзасидан Женевада эришилган битимлар — янгича сиёсий тафаккурнинг галабаси эканлиги таъкидланди.

П. Ҳабибуллаев халқ депутатлари Советлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари қайта қуриш таъминлаш, демократияни

ривожлантириш, давлат органлари билан партия органларининг вазифаларини яна ҳам аниқроқ белгилаб қўйиш, ошқоралик шароитида салбий ҳодисаларни бартараф этиш соҳасидаги ишларни қандай активлаштиришга интилавирликлари тўғрисида сўзлаб берди.

Трилоки Натх Кауль қайта қуриш жараёни унда зўр таассурот қолдирганини, ҳар гал келганда мамлакатда ва жумладан, Ўзбекистонда шу жараёнинг қизғин маромини тобора кўпроқ сезишни, буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш учун яна ҳам каттароқ имкониятлар очилиши таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчиси Элина Сикри, Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули вазифасини бажарувчи Рахул Кулшрештха қатнашдилар.

Фестиваль нашрлари чоп этилмоқда

★ ТОШКЕНТ Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг анъанавий ўйинчи киноқўриғи қатнашчилари ва меҳмонларини кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.

Айни шу кунларда «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босма маҳонасида ҳам иш қизғин. Бу ерда ўзбекча, русча, инглизча, французча, испанча — жами беш тилда фестивал нашрлари чоп этилмоқда.

— Ҳозирча — дейди босма-хона директори Т. Обидов, — маъмур кўрик справочники ва программасини, меҳмонлар учун ҳозирланадиган таомлар менюсини ҳамда фестивал бош дирекцияси иши учун зарур бўлган кўплаб бошқа босма маҳсулотларни нашр этила-

миз. Бундан ташқари фестивал доирасида ўтказиладиган турли учрашувлар, минглар, қабулларга таклифномалар ҳам бизнинг босма-хонада чоп этилади. Киноқўрик бошланиши билан бу ерда «Кинофестиваль йўлдоши» нашрининг инглиз тилидаги сонлари саҳифаланади. Ҳозир лотинотичилар Венера Тошкенова, Райхон Мирзаева, саҳифаловчилар Толиб Боймуратов, Анавар Искаев, печатниклар Лидия Федосенко, Тоҳир Умаровлар жаҳоннинг турли қитъаларидан келган кинематографчилар фестивал нашрларининг полиграфия мукамаллигидан мамнун бўлишлари учун бор тажрибалари ва маҳоратларини ишга солимоқдалар.

У. АБДУШОҲИДОВ.

«ҚОДИР АКАНИНГ ГИНАСИ ҲАҚИДА»
МАҚОЛАСИ ИЗИДАН

ТОКЗОРДАГИ СЕМИНАР

ЭСИНГИЗДА бўлса керак, газетамизнинг шу йил 24 март сонидан эълон қилинган юқоридаги сарлавҳали мақолада Тошкент районидagi Илйич номи колхозининг ветеран соҳибкори Қодир ака Мўминовнинг илгор иш усули ҳақида ҳикоя қилинган эди. Бу усулнинг моҳияти шундаки, винобон узумлар бир йўла қовлаб олиб ташланмайди, балки парҳез усули қўлланилиб, ҳўраки янлар билан аста-секин қилиб борилади. Бунинг иқтисодий самараси катта. Шпаллер устулар ва симбағазлар ўз ўрнида қолаверади. Узум ҳосили топириши ҳам давом этаверади.


Мақола эълон қилинган, соҳибкорлар, боғбонлар ўртасида қизиқиш уйғотди. Яқинда шу мунсабат билан Илйич номи колхозда, Қодир ака Мўминовнинг узумзорида семинар ўтказилди.

Семинарда Оржоникдзге, Паркент, Галаба ва бошқа районлардан келган хўжалиқларнинг раҳбарлари, мутахассислар қатнашди. Мўминов уларга ўз тажрибаларини, келгусидаги режалари ҳақида гапириб берди. Узро бахс, мунозара, тажриба алмашув бўлди. Айримлар бу усулнинг истиқболлиги шубҳа билдирдилар. Катта майдонларда бу тажрибани қўллаб бўлмайди, кўп куч талаб этилади, деган фикрни билдирдилар.

Лекин, келажакда қишлоқ хўжалиги оила пудрати асосига қўрилишини ҳисобга оладиган бўлсак, нега бу тажрибани қўллаш мумкин эмас? Катта-катта майдонлардаги эски, сийрак бўлиб қолган токзорлар оилаларга бўлиб берилса, пудрат усули кенг жорий этилса, уларга керакли техника ва бошқа воситалар етказиб берилса, Мўминов усулини жорий этиш яхши самара бериши мумкин.

Раҳмат, яхши ишга қўл урибсиз, — деди Паркент районидagi «Ленинобод» совхози директори Тожибой Ризаев. — Ҳақиқатан ҳам сизнинг тажрибангиз кичик майдонларда, оила пудрати асосида ишлайдиган коллективларда қўлланилса, фойдаси катта бўлиши мумкин.

Семинарда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан сабзавотчиликда ҳам иқтисод ва тежамкорлик бош масала эканлиги алоҳида ўқидилди. Зотан, СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишини жаддалаштиришга ҳисса қўшиш ҳар бир қишлоқ хўжалик меҳнатқилишидан эришилган натижалардан чекланиб қолмаслигини, мўл, арзон, сифатли маҳсулот етиштиришни қўлайлаштириш учун изланишни, янгиларни жорий этишни талаб этади. Қодир Мўминов ана шундай деҳқонлардан. У



сабзавотчиликда ҳам катта тажриба ортирган.

Маълумки, мўл эртаги сабзавот етиштириш полиетилен пленкаларидан ишнинг қўзини билиб фойдаланишга боғлиқ. Лекин бундай пленкаларни деҳқонларга керагича етказиб бериш имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам борларидан тежамли фойдаланиш — бу муҳим масаладир. Афсуски, айрим хўжалиқларда ва коллективларда бунга яхши эътибор берилмайди. Пленкалар ишлатиб бўлингач, вақтида йиғиштириб олиниб, ювилиб, сақлаб қўйилмайди. Бу масала Қодир акани ҳам кўп ўйлантирарди. У чинди темир-терсақлардан



фойдаланиб махсус мослама яратди. Бу мосламанинг ишлаш принципи қуйидагича: фойдаланиб бўлган пленка ўраб қўйилгач, ҳовузчада қайибли, сўнг ёйилган ҳолда 1 метр чамаси баланликдаги эни пленка энига тенг мослама устидан сидирилиб ўтади, шу жараёнда махсус ва ҳар-ери тешилган трубадан сув пастга урилади. Пленка обдан қўлланиб, унинг тупроқ-лойлари ивиб оқа бошлади ва сўнг кигиз қисқич орасидан ўтиб тозаланади. Юқорида роилики меҳанизм ёрдамида тоза пленка ўраб қўйилди.

Семинарда Қодир ака Мўминов ўзи ихтиро қилган ана шу қўлбола мосламанинг

ишлашини намоён қилиб кўрсатди. Агар трактор бўлса роилики қўлда эмас, унинг ёрдамида айлантириш мумкин деди у.

Семинарда боғдорчилик, сабзавотчиликдаги ишларни интенсификация оид бошқа масалалар ҳақида фикр юритилди.

Семинарда область партия комитетининг секретари С. Сайдалиев қатнашди.

Н. РИХСНЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: пленкани ювиб тозалайдиган мослама.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

. ХАЛҚАРО ҲАЁТ .

Дўстлик даракчилари

1958 йил 7 майда Москвадаги хорижий мамлакатлар халқлари билан Дўстлик уйда ўтказилган таъсис мажлисида Совет-румин дўстлик жамиятини (СРДЖ) ташкил этиш ҳақидаги ақид қарор қабул қилинди.

Мажлис қатнашчилари миллионлаб кишиларнинг «Халқ Руминияси меҳнатқилиши билан биродарлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш ва кенгайтиришга бўлган иштирокини изҳор қилишганди. Бунда пролетар, социалистик интернационализмини ўз гоёй эътиқодида, турмуш тарзи, амалий ҳаракатлари асос қилиб олган кўпмиллатли Совет давлати меҳнатқилишлари ҳос ҳусусият ҳам намоён бўлганди.

Кўп йиллик фаолияти мобайнида Совет-румин дўстлик жамияти ўз сафларида 30 та республика, область, шаҳар ва район бўлиmlарини бириктирган оммавий ташкилотга айланди. У СССР ва Руминия ўртасидаги маданий ҳамда илмий ҳамкорлик программасида қайд этилган тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Совет-румин дўстлик жамияти системасида 1965 йил барпо этилган Тошкент шаҳар бўлими алоҳида салмоқли ўрин тутди. Айнан шу бўлим мисолида жамият фаоллари қандай ишларни амалга ошираётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу фаоллар орасида Тошкент экскаватор заводи, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, 1-бола-лар музыка мактаби ва 110-ўрта мактаб ўқувчилари, Тошкент Давлат консерваторияси ва Тошкент Давлат маданият институти талабалари бор.

Руминия Социалистик Республикаси ҳаётидаги муҳим воқеаларни ишонч билан берда яхши аънаъга айлган. Тошкент жамоатчилиги СССР ва РСР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида битим имзоланган, румин хал-

қи фашизмдан озод этилган, Руминия республика деб эълон қилинган кунларини ва бошқа муҳим саналарни ҳар йили ишонлайди. Ўзбекистон дўстлик жамияти руминиялик дўстлар номига мунтазам равишда «Совет Ўзбекистони» журнали, турли фотоматериаллар, турмуш тарзини ҳақида ҳикоя қилувчи ҳар хил адабиётлар жўнатиб турибди.

Жамиятнинг шаҳар бўлимига таъриф буюрган руминиялик меҳмонлар эса, хоҳ делегация аъзолари, хоҳ оддий туристлар бўлсин, Тошкент ва Ўзбекистон билан хат орқали фаол мулоқотда бўлаётдилар. Улардан келиб турган хатлар оқими ҳам шундан далolat беради.

Совет-румин дўстлик
жамиятининг 30 йиллигига

«Уйимга кирган одам, столимдаги чиройли журналларни кўриб, уларни варақлаб чиқаркан, олам-олам завқ олади, шундай нашлаб олиб турганим учун менга ҳаваси келади. Ўз набатиде мен ҳам Ўзбекистонга қилган сафарим ҳақида, Совет-румин дўстлик жамиятининг Тошкент бўлимидаги қабул тўғрисида, мунсабатларимизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида тўлқинланиб гапириб бераман. Мен Сизнинг «Совет Ўзбекистони» журналингизни оларканман, чексиз қувонч ҳиссини туйишимни билишингизни истардим. Меҳмондўст ва меҳрибон ўлкангиздан, дўстлигимиз ҳам тобора ривожланишидан дарақдир.

Бу Совет-румин дўстлик жамияти фаоллари билан мунтазам равишда хат ёзишиб турган Мария Пирва мактубидан олинган сатрлардир. У

Руминиядаги Тимишоара шаҳрида яшайди.

Хатлар жуда кўп... Улар турлича мазмунда бўлган. Аммо, бу мактубларнинг барини совет кишиларига бўлган ҳўрмат-эҳтиром ҳисси бириктириб туради. Хусусан, Римнику-Вилч шаҳридан профессор Кармен Фаркаш Мэркулеску «Тошкентлик меҳрибон дўстларимни ҳеч қачон унутмайман», деб ёзибди. Бухарестлик техника фанлари доктори Марианна Берже, математика фанлари доктори, Руминия пойтахтидаги ўнiversитет профессори Родике Томеску, себелник Адам Никовре мактубларида ҳам ана шундай илиқ гапларни ўқиш мумкин.

«Менинг асосий ижодий ишим — узоқ умр кўриш муаммосига бағишланган китоб ёзишдир, — дейди ўз хатида Римнику-Вилчада истикомат қилувчи профессор Анна Теодореску. — Шунинг учун ҳам, Сиз юборган, ўзбекистонлик узоқ умр кўраётган кишиларга бағишланган мақоладан мазкур асаримда фойдаланганимни айтиб ўтишдан мамнунман».

Бундай ёзишмалар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Руминиялик дўстларимиз бизга йўллаётган мактубларини рус, румин, немис тилларида ёзишмоқда. Уларнинг бари биродарлик, дўстлик руҳи билан йўғирилган. Сатрларда бир бор кўрилган ўлкамиз, республикамизга нисбатан чексиз меҳр, ҳўрмат ҳисси сезилиб туради. Узоқ мамлакатдаги дўстларимиз қалб кўрини бизга етказиб турган бундай мактублар эса алоқаларимиз янада мустаҳкамланишини, дўстлигимиз ҳам тобора ривожланишини дарақдир.

Е. АЛТМАН,
Совет-румин дўстлик жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими правлениесининг аъзоси.

Телетайп лентасидан

ХИТЎЙ КОМСОМОЛИНИНГ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ПЕКИН, 4 май. (ТАСС). Бу ерда Хитой Коммунистик ёшлар союзининг XII съезди очилди.

Қилинган ишлар тўғрисида Марказий Комитет докладыни, Хитой комсомоли аъзолик билетлари ва гимини жорий этиш, союз уставига киритилганди. Ўзгаришлар тўғрисидаги қарор лойиҳасини муҳокама қилиш, Марказий Комитет янги составини сайлаш анжуман кун тартибиде турибди. Шу ёшлар ташкилоти фаолиятини ислох этиш лойиҳасини муҳокама қилиш энг муҳим масала ҳисобланади.

ХКП Марказий Комитети Сийёсий бюроси домий комитетининг аъзоси Ху Цили съезд делегатларига табрик сўзи билан мурожаат этди. У таъкидлаб айтдики, Хитой ёшлари жамиятининг энг фаол ва ғайратли қисми бўлиб, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларни актив қўллаб-қувватламоқдалар. У ХХР йиғит-қизларини мамлакатни социалистик янгилаш ишига салмоқли ҳисса қўшишга даъват этди.

ОТИШМА
ТЎХТАТИЛДИ

МАНАГУА, (ТАСС). Никарагуанинг Атлантика соҳилларида ҳаракат қилётган «Ятама» индеецлар миллилатчи ташкилотининг қуролланган гуруҳларидан бири республика ҳукуматига қарши уруш ҳаракатларини тўхтатди. Революцион меъмурлар вакиллари билан ташкилот раҳбарларидан бири Максимо Пантин сулҳ ҳақидаги битимни имзоладилар. Битмига муво-

фик, индеецларнинг қуролланган отрядлари халқ милицияси отрядларига айлан тирилди ва улар сандиночлар халқ армиясининг қисмлари билан бирга республика шимолда чегарани ва чегара ёқасидаги посёлкаларни қўриқлайдилар. Ҳужжат мамлакатнинг тинч ҳаётида индеецлар тўла ҳуқуқ билан қатнашувини кўзда тутди. Атлантика соҳилидаги туб аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ва уларнинг асл маданиятини сақлаб қолиш чора-тадбирлари ҳам белгиланди.

ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Қўшма Штатлар Форс кўрфазиде ўз ҳарбий операцияларини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Пентагон вакилининг айтишича, шу регионга жойлашган АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари олдида «агар халқлар суварларда дўст давлат байроғи остида сузиб бораётган

ҳар қандай кема ҳужума учраса, актив ҳаракатлар қилиш вазифаси қўйилди. Бундан илгари Америка кемалари Америка байроғи остида сузаётган Кувейт танкерларини кузатиб бориш билан чекланарди, сешанба кунини янги, йил бошидан бери 28-қўриқчи кема йўлга тушди.

• Бугун — Радио кун, барча алоқа тармоқлари ходимлари байрами •



СУРАТДА: «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» туркум кўрсатувларининг ижодкорлари Ғафур Юсуфжонов, Дадахон Ёқубов ва Мели Маҳмадовлар.

ОТА ҚАДРОНИМИЗ бўлиши бир мўтабар қария шу гапни бот-бот қайтарувчи эдилар: бот ботонини топса, зар заргарини, туя бунбулга етиса-ю ҳунар — ҳунармендига... қарабсизки олам гулистон!

Биз қўшимча қилар эдикки, олам гулистон бўлиш учун яна дунё тинчини, инсон бахтини топиш керак.

Мухтарам газетчилар, бу гапни мулоҳазаларимиз ўз ижодкорлари, ўз қаҳрамонлари, асл қаҳрамонлари ва ўз томошбинларини топан телекўрсатувлар хусусида. Бу туркум халқона ном билан «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» деб аталади. Шубҳа йўқки, сиз бу кўрсатувларни қизиқиб томоша қилсангиз, уйга таласиз, ён-ёригизга бошқача нигоҳ билан қарайсангиз, жоқдайлик тўғрисида улоқтиригингиз келади.

ДАРВОҚЕ, ушбу туркум кўрсатувлар муносабати билан шу кунгача телевидение уч мингдан зиёд мактуб олд. Кўрсатув ижодкорлари

(сценарий авторлари Ғафур Юсуфжонов, Дадахон Ёқубов, режиссёр Мели Маҳмадов, оператор Рафъаз Камолов) ҳар бир кўрсатувни ўзaro гап орасида серия деб айтадилар, бизга ҳам бу атама ёқади. Ҳа, агар тазбир жоиз бўлса, бугунгача бу ўзинг ҳаётини ва ҳаққоний кўл сериали телефильмнинг атиги тўққиз серияси томошбинга тақдим этилди, холос. Шундай таассурот туғилдики, жаҳон телевидениесининг Ватани саналимиш Ўзбекистонда дастлаб бундан ўттиз йилча муқаддам «зангори шуъла» енган бўлса, бу санъат фақат бугун қамолат палласига кирганга ўхшайди. Дарҳақиқат, бугун телемуҳбирнинг қадами етмаган на бир овлоқ жой ва на бир чекка қишлоқ қолмади-аё!

Бунда бошқа омиллар қаторида «техникавий инқилоб» ҳам чакана ўрин тутмапти, албатта. Оператор замонвий, мукаммал камераси билан ҳаётини, реал телевизион публицистикани бойнишда жуда катта роль ўйнамоқда.

Кейинги пайларда кўрсатувда «гоҳо сенти-

ментал рух устунлик қилиб қоляпти, ҳадеб кўз ёшлар тўкавериш шартлими» дегувчилар ҳам кўпайиб қолди. Биз бу даъволар унчалик ўринли эмас дедикимиз. Чунки ҳаёт инсонни доим ҳам байрам ва хуррамликлар билан сийлайвермайди. Унинг ўзинг хос баланд-пастликлари, ғам-андуҳлари бор. Шундай экан, сиз билан биз гувоҳ бўлиб турган воқеалар экран қаршида ўтирилганларни йиғлатишдан ранжигишга асос бўлмас керак, деб ўйлайман. Зероки, бу кўз ёшлар имонни нопокликлардан, анжидонни чирклардан халос этувчи кўз ёшлардир. Бу кўнгилсиз воқеаларнинг ўз «таржимаи ҳоли», ҳаракатга келтирувчи мураатлари бор. Бу — театр спектаклидан фарқи ўлароқ автор, режиссёр, операторнинг хоҳиш-иродасига бўйсунмаган ҳолда кечадиган лавҳалар, ҳаётини қиссалардир. Телевидение бунга бадий публицистик тадқиқ этишга бел боғлабдики — фақат кутлаш керак.

Залоқнинг онасини соғиниб айтган қўшигини тинглаганимизда, ўйга она Мунаввар қўлида оғизга қўйилган қайноқ сувар, бошига тушган тўқмоқлардан қийналиб жон берган қизча — Адолат фожиясини эшитганимизда кўнглимиздан кўйиб йиғладики. Судда сурбатларча сузлаётган ёри тош онага нафратимиз ошди. Суд уни ўн икки йил қамоқ маъносида ҳукм қилганида кўнглимизнинг қаеридир кемтик бўлиб қолди. Чунки, бундай разилга ундан ҳам оғирроқ жазони раво кўрадик.

Бизда шундай туйғулар қўзғалган экан, бу — телекўрсатувнинг хизмати. Анжидон, уни яратган ижодкорлар малакаси, маҳорати самарасидир. Бундай кўрсатувларда доимо реализм инсонга тегади.

Айтаяйлик, ахлоқий, маънавий мавзулардаги очерк қанчалик маҳорат билан ёзилган бўлмасин, тасвир қанчалик қўчоқ бўлмасин, билан чиқилмасин ва асар қаъни ҳаётини билан ўқиб

улар яна фароғат оғушида яшамолар. Дарвоқе, кўрсатув ижодкорлари номига фарғоналик ўша келинчақ, жажжи Галибжоннинг азиб бети-жонис Мавзудоддан миннатдорчилик хати келди:

«Хурматли Ғафур, Дадахон, мен ер юзида ҳақиқат борлигига ишонмай қўйган эдим. Сиз каби одамлар бор экан, дунёда ҳақиқат доим яшашга ишон ҳосил қилдим. Сизларга минг раҳмат!»

Ҳа, мўжаз экраннинг дилларни равшан этиб, қачнатиб юборадиган таассуфлари ҳам бор. Учқўрғонлик пирни бадавлат, нуруний, юзида ҳаётга муҳаббат, яшадан мамнунийлик жилва қилиб турган Давронбой ота, сирдарёлик пахтакор, Фарғона паҳласида чиройли лўфлар қилувчи асли белорус Григорий Борода, ўн саккиз ёшида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган номини машҳур қўшиқча сарлаҳа бўлган Лола Эргашева ва гўё ҳозиргина афсонадан чиқиб кел-

совуқонлик билан қараб келаётган нопок ва носомаийлик кимсаларнинг кирдиқорларини фоти қилмоқда.

Мен врач-педагог сифатида сохта справкага имзо чеккан Рўзмет Анорқулов сингари врачларга солиқни сўраш системасида ўрин бўлмаслигини керак, деб ҳисоблайман. Кўрсатув давом этиши керак» (И. АБДУЛЛАЕВ, Тошкент).

«Биз Адолатнинг фожиясини эшитиб кўзимизга ёш олдик. Шундай норасидани кўра билди туриб анжидонсиз отага ташлаб кетган Адолатнинг туққан онаси кейинги эрдан қандай ҳузур-ҳаловат топди экан!» (Н. ҚИРГИЗБЕКОВА, Уш).

Шу кўрсатувни олиб боровчи журналист, Ўзбекистон телевидениесининг махсус муҳбири Дадахон Ёқубов номига келган хатлар ҳам анчагина:

«Хурматли Дадахон Ёқубов! Мен сизнинг кўрсатувларингизни орзиқиб кутаман. Менинг ўн

1954 йилда Андижон областининг Ойим қишлоғида туғилган. ТошДУ журналистика факультетининг кечки бўлимини 1979 йили тугатган. Телевидениеда ишлаб халқ ҳузурига чиқишни ёшликдан орзу қилган. Дадахон 1973 йил ўз фаолиятининг энг қўйи пиллавои — дастберида бошлаган: яъни давлат комитети кино базасидан киностудия, архив, аэропорт ва бошқа жойлардан пленка солинган туноқа қўтилар, кассета ва киноленталарни ташиб юрган, бу ишни қамали ихлос билан бажарган. Бора-бора муҳаррир-муҳбир бўлган, бироқ, ҳали-ҳануз унинг зиммасида оғир юк: энди одамларнинг дарди, армони, андуҳ ва орзуларини елкасига ортиб томошбинларга элтмоқда. Бу — муқаддас юк! Гоҳида бу залворинишдан йигит қадди майишгандай бўлади. Бундай пайларда у сиз қурган лирик музикали репортажларга ихтиёр беради. «Ассалому алейкум», деб дилкаш суҳбатларга соҳиб малилик қилади, турғунга яхши инсонларни қақибди уларнинг сузларига адаб билан қулоқ солади, гоҳ яхши ният билан бошлаб қўйган «Тундаги уч йўловчи» номли саргузашт киноқиссасига қайтади, гоҳи тунларни илҳом париси билан якка-ёлғиз қўлилади ҳислари оқ қоғоз бетига шеър бўлиб тўкилади:

Меҳр-оқибатга чанқоқимиз, бироқ,
Топилай базиде уйга толдимиз.
Яхши одамларнинг шундай арқирок,
Иссиқ жамолларин қўйсав қоламиз.

(Хоразм кўрсатувинда ўқилган).

Ушбу оқшом узоқ ўйларга толдим,
Ҳаётим мазмунини ўлчаб кўрмоққа
Яхшилик йўлида нелар қилдим,
Ўзгалар ташвишини баҳам кўрмоққа.

(Наманган кўрсатувинда жарангланган).

Дарвоқе, наманганлик милиция ходими Давронжон Раҳмоновнинг қисматида ҳам телевидение лоқайд қолмади. Бироқ, афсуски, бу фидойий инсон ҳамон ўз семикли касбига қайтолгани йўқ; ҳозирча телевидениенинг қўли қисқалик қилиб туради.

ҲАЁТ ЭСА ДАВОМ ЭТМОҚДА. Аввал-охир йўқ чарх эришмоқда, худди кўз қосасидаги қарор қаби — гоҳ севинчдан қақиб, гоҳ ундан нурсизлангандек. Ибтидою интиҳос йўқ жараён бу. Эришлариди, эришлариди. Биз мулк ва давлатда қанчалик гани бўлайлик, ҳамisha меҳр деган туйғуга, муруватга, ҳиммат ва ҳамдардликка зор бўлиб яшаймиш. Шу маънода биз одамлар бир-биримизга боғлиқмиз. Бир-биримизга керакмиз. Шу эзгу ният билан яшовчи Телевидение ҳам йўлда — сафарда, одамлар орасида.

Анвар ИСРОИЛОВ.

ҲАЁТ ҚУВОНЧЛАРИ ВА ТАШВИШЛАРИ

• АНА ШУ ТУРКУМДАГИ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАРГА БИР НАЗАР •

Энди экран ортидаги кўз ёшлардан гапирдиган бўлсак, шунга айтиш керакки, сиз муҳтарам томошбинлар кўрадингиз новелла ва қиссаларнинг биринчи бевосита мутаассир гувоҳлари кўрсатув ижодкорларидир.

Ў. ЮСУПЖОНОВА: Ҳа, эсимдан чиқмайди. Кўрсатувнинг Наманган сериясини суратга олаётган эдик. А.Одилов томонидан йўқ қилиб юборилган 21 ашк Нурмухаммад исмли нафқонини чўпон йигитнинг ҳали олтинга ёриб-бормай фарзанд доғида қари чоғга айланиб, бирдан қўниб қолган отасининг сузларини тинглаб туриб аяқли аҳволга тушибди. Д. ЁҚУБОВ «Мана ота-хон, аруғ кўлар ҳам келди», — деб ҳақ қарор топанлигини, қотиллар қўлга олинганини айтиб туради, бирдан ота вукуд-вукуд қанқиб оху надомат билан: «Жилла курса, ўлимнинг суғини топиб беринглар, онанинг йиғи қўяй, бўлмаса армонда ўтиб кетаман», — деб илтижо қилди. Ҳаммамиз лол қотиб қолдик. Кўзларимиз беихтиёр ёшланди.

М. МАҲМАДОВ: Хоразм кўрсатувинда олти яшар, лекин уч яшар боладек увоқ Қувончий эсингиздами! Онанинг: «Отанг Тошкентга кетган, ҳадебай ўқини битириб келадим», — деган эрталарига ишонган қизалоқ отасининг ҳақ қарор қайтиб келмаслигини билмайдди. Биз билмадик. Суратга олаётганми-у, кўзларимизда ёш йиллайди. Кўзимизга ўз фарзандларимиз кўрини кетамиз...

Биз зангори экранда Дилфуза исмли етим қи-

масин, рўпарангизда энтика-энтика дардини айтиб турган инсоннинг ҳолатини кўргандек тасвирланмадик. Бизнингча, бу кун телевидение шарофати билан шундай одам ҳузурига кўриб келдик. Телевидение ҳам ана шу йўлда ўзини топиб борапти, ҳали тўла очилмаган беҳад имкониятларини намойиш этапти. Шу маънода ушбу кўрсатувни даврга хос инқилобий ўзгаришларнинг ўз-ўзига хос телеинжикиси десак бўлади.

Гап ижодкорларнинг истеъдодлари ҳақида кетар экан, кўрсатувнинг шаклланишида режиссёр анча тер тўкаётган, бутун қоғозини, маълумини очиб учун — янги детал, қўйлаб топанлигининг гувоҳ бўламиз.

Фарғона сериясидаги «Тўхмат тош» номли новеллани олайлик. Саҳифанинг тош тегиб синган шиша тасвирини бошлангичи бежиз эмас. Бу — режиссёрнинг шаффи. Бу — рама. Тўхмат тош теккан кўнглига ишора. Гўдагига маънос термулиб туриб, муҳбирнинг саволига ғайришўрий тарзда жавоб бераётган ошўхтақол жувонинг руҳида қаратилик. Ахир бадҳоҳларнинг ҳоли қизматини — юмалоқ хати билан ширингана рўзғори бузилиш олдиде турибди. У эса бунинг эришга ҳоҳламади. Биз билмадик, ёмонларнинг биринга сўзи билан қанчадан-қанча тоту ошларлар барбод бўлган, Батинизга, телевидение шарофати билан кўш ошларимизда. Икки томонини яраштиришдек буюқ савоб борми! Бугун

қандай тандирдан пўлотий нолларни узиб турган қамарқандлик аёл юзларидеги масъудликдан қай қалбда ҳавас ва ҳушудлик туллари очилмади, дейсиз.

АЗИЗ ГАЗЕТХОН, биз катта ижодий ишни мукаммал таҳлил қилмоқ. Давросидан йироқмиз. Бу кўрсатувнинг чин новаторлигини ҳар қандай баландларга, широкӣ гаплардан йироқ, яхши маънодаги анъанавийликда деб билмадик. Айрим қўсур ва қамчиликлардан ҳам холи бўлмаган кўрсатув тобора халқ дилига йўл топаётганлиги, табиат ва инсон экологияси деган катта муаммони дедил ўртага қўяётганлиги тўғрисида ҳам телевидение чин қалбдан қўйлаб кўрилади. Шу маънода бугунги кунда телевидение жуда кўпчилиги учун нажот қўласига айланиб қолди. Албатта, «Ошлар сўзи — ақилнинг қўзи», «Ҳат ва ҳаёт», «Инсон ва қонуни», «Азбобот» тақим қилдиган кўрсатувларига дардларини айтиб оқибат кутадиганлар ҳам оз эмас. Вақтли матбуот ҳам одамлар панох тортиб, муружат қилмаган остана, ҳақ гап рўй-рост айтилмаган муворак минбар бўлиб қолди.

Мана, кўрсатув адресига келган хатлардан айрим сатрлар: «Менинг фикримча, бу кўрсатув кўпчилигига маъқул бўлапти. Ҳар бир соф инжидон кишини чуқурроқ фикрлашга ундаяпти. Айнан ҳозирги қайта қуриш, демократия, ошкоралик даврида бу кўрсатув базини бир ўз ишга

битта болам бор. Орузим шуки, осмонимиз муссаффо бўлсин. Сизнинг ўзингизни жуда кўргим келди. Сизни вояга етказган онангизга минг раҳмат!» (Оддий колхозчи, Қаҳрамон она — Салима ҚУЧҚОРОВА, Фарғона области, Қува району).

